

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 13 март, Душанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (10.605)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Кўкчарсарой» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган «Аёлга эҳтиром» мавзусидаги тадбирда фаол аёллар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Ибрат» маҳалласида «Маънавий тарбия — фарзанд камолоти мезони» мавзусида ўтказилган тадбир туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳалласида Хомийлар ва шифокорлар йилга бағишлаб «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан фаоллар, ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Хомийлик — юксак фазилят» деб номланди.

● **ЭРТАГА** Камолитдин Бехзод номидаги рассомчилик ва дизайн институтида Мирзо Улугбек туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЕИХ, «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улугбек туман бўлими ҳамкорликларида «Олтинтепа-5» маҳалласининг иқтидорли қизлари иштирокида «Маҳалланинг намунали кизи» кўрик-танлови ўтказилди.

● **ЎТГАН** кун «Камолот» ЕИХ Собир Раҳимов туман бўлими етакчилар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Камолот» боғи лойиҳаси доирасида уюштирилди.

● **КЕЧА** Қизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улугбек туман Кенгаши томонидан туманда истиқомат қилувчи меҳрга муҳтож аёлларга Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан юқори синф қизлари иштирокида ўтказилган «Таманно» беллашуви «Октепа» маҳалласи ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Рохат» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган семинар «Осийшталлик — бебаҳо бойлик» деб номланди.

● **БУГУН** Яққасарой туман ҳокимлигида «Маҳалла» жамғармаси, «Оила ва аёл» маркази, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Хомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз» мавзусида ўтказилган давра суҳбати Хомийлар ва шифокорлар йилга бағишланди.

● **БУГУН** «Савдогар» банкнинг Тошкент вилоят бўлимида «Аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрни» мавзусида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Наврўзи олам яқин



ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ!

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

Ўлкамизда ўз чиройини кўз-кўз қилиб баҳор кезмоқда. АТРОФ ГУЛУ ЧЕЧАККА БУРКАНМОҚДА. СОФИНИБ КУТГАНИМИЗ НАВРЎЗ АЙЁМИ ЯҚИНЛАШМОҚДА. БУГУН БАРЧА-БАРЧАМИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗДА БАҲОРИЙ КАЙФИЯТ. ОЛАМ ЯШНАБ, ЯШАРМОҚДА. АЗАЛДАН БАҲОР ФАСЛИ БОШЛАНИШИ БИЛАН ЭНГ ЯХШИ УДУМЛАРИМИЗ, КАДРИЯТЛАРИМИЗДАН БЎЛМИШ ҲАШАРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНИБ, ҲОВЛИО КЎЧАЛАР, ХИБЕОНЛАР, МАҲАЛЛАЛАРДА ОБОДЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ЮМУШЛАРИ АДО ЭТИЛИБ, НАВРЎЗ АЙЁМИГА ТАРАДДУД БОШЛАНГАН. ХАЛҚИМИЗДА «ҲАШАР-ЭЛГА ЯРАШАР» ДЕГАН АЖОЙИБ НАҚЛ БЕЖИЗ АЙТИЛМАЙДИ. ЭЛИМИЗГА ЯРАШГАН ҲАШАРЛАР ТУФАЙЛИ МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ, КЎЧАЛАРИМИЗ, БАРЧА ГЎШАЛАРИМИЗ ОРАСТА, ОБОД БЎЛИБ, ФАЙЗЛИ МАСКАНГА АЙЛНАДИ.

Аввал хабар берилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг фармоишига биноан март ойи ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилиниб, 11-12 март кунлари республикамиз бўйича умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш белгиланди. Мазкур фармоишга биноан икки кун мобайнида мамлакатимизда, шу жумладан пойтахтимизда бирдамлик ва баҳамжihatлик остида ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида шаҳримиз туманларининг аҳолиси, каттаю кичик фаол иштирок этдилар. Энг муҳими, уйғонини, яратиб ва яшатиш фасли баҳор меҳнатқаш, меҳр-оқибатли, хайру саховатли халқимизни эзгулик сари чорламоқда. Яқинлашиб келаётган Наврўзи олам шодибенасини ҳаммамиз ёруғ юз билан, покиза ва ойдан ниятлар билан кутиб олайлик.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ

Бу йилги умумхалқ ҳашарини бектемирликлар бир ёқадан бош қикариб, уюшқоқлик билан ўтказишди. Тадбирнинг режали тарзда ўтишида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари фаоллари, давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари жонбозлик кўрсатишди.

Кўча, бозор, қабрстонлар ҳудудлари тозаланди. Бу борада маҳаллаларнинг ўрни бежис бўлди. Тумандаги 12 та маҳаллада яшовчи фуқаролар ўзлари яшаб турган ҳудуднинг тозаллиги ва озодлиги учун меҳнат қилдилар. Биз «Рохат», «Миришкор», «Чашма», «Зилола» маҳаллаларида бўлиб, ҳашарнинг бориши билан ақиндан танишдик.

— Маҳалламизда 2101 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Рохат» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хадича Умархўжаева.



— Икки кун давом этган ҳашарда аҳолининг деярли барчаси иштирок этди. 150 та дарахт оқланди, 10 тоннага яқин маиший чиқиндилар олиб чиқиш кетилди, 700 метр ариқларни тозалашга улгурдик.

Айтиш мумкинки, туманда «Рохат» маҳалласи сингари ўзаро бирдам, ҳамфикр маҳаллалар талайгина. Худуди жиҳатидан туманда етакчи ўринни эгаллайдиган «Миришкор» маҳалласи фаоллигини таъкидлаш ўринли. Бу ердаги ҳашар давомида эркаклар билан бир қаторда мунис аёлларимиз ҳам ўз хиссаларини қўшдилар. Шу маънода Иқбол Юсупова, Мархабо Акаева, Илмира Маҳмудова, Галя Юсуповаларнинг жонбозликларини айтиб ўтиш лозим.

(Давоми 2-бетда.)



ҚУТЛУФ АЙЁМ АРАФАСИДАГИ ТАШРИФ

19-20 МАРТ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН ҚОЗОГИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ИККИ ҚАРДОШ ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШГА КЎЧЛИ ТУРТКИ БЕРИБ, СИЁСИЙ МУЛОҚОТ, ИҚТИСОДИЙ ВА ГУМАНИТАР ҲАМКОРЛИҚДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧАДИ, — ДЕБ ТАЪКИДЛАДИ ЎТГАН ПАЙШАНБА КУНИ ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ҚОЗОГИСТОН ЭЛЧИСИ ТЛЕУХАН КАБДРАХМАНОВ.

Элчи Қозоғистон ўз ташки сиёсатида биродар Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ва яқин муносабатларни мустаҳкамлашга устувор эътибор қаратаётганини қайд этди. «Шунинг учун Президент Нурсултон Назарбоев навбатдаги президентлик мuddатида сайланганидан сўнг илк хорижий сафарларидан бирини маънавият ва дунёқараш, тарихий тараққиёти билан бизга яқин бўлган Ўзбекистонга амалга оширмоқда, — деди у. — Ташриф жуда юқори — давлат ташрифи мавқеида эга бўлиб, бу ҳам икки томонлама

муносабатларимизнинг устуворлигидан далолат беради».

Икки мамлакатнинг ўзаро манфаатларини инobatга олувчи яқин қўшнчилик муносабатлари айни пайтда жадаллик билан ривожланмоқда. Қозоғистон Президентининг булажак давлат ташрифи давомида кўплаб долзарб масалалар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва икки томонлама муносабатлар доирасида сиёсий ҳамкорлик, савдо-иқтисодий алоқалар ривожини, маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳожама қилинади.

Сўнги йилларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик барқарор сурвталарга эга бўлди. Қуйидаги рақамлар ушбу фикрни тасдиқлайди, жумладан, агар 2002 йилда икки мамлакат савдо айланмаси 263,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич ярим миллиард долларга етди.

— Икки томонлама савдо ҳажмини ошириш ва минтақавий ҳамкорликни жадаллаштириш мақсадида икки мамлакат президентлари томонидан ҳукуматларга савдонинг ривожлантириш ва бу йўлдаги асосий маъмурий тўсиқларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш юзасидан кўрсатма берилган. Бу масалалар 13-14 март кунлари Остонада бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилди, — деди Қозоғистон элчиси.

Ўзбекистоннинг Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши ҳақида гапириб,

Т.Қабдрахманов бу ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштириш учун туртки беришини қайд этди. Евроосий иқтисодий ҳамжамиятининг кенгайиши сув-энергетика захиралари ва транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш масалаларини самарали ҳал қилишга ҳам кўмаклашади.

Журналистлар саволларига жавоб бера экан, Қозоғистон элчиси Нурсултон Назарбоевнинг давлат ташрифи икки мамлакат халқлари томонидан кенг нишонланган Наврўз байрами арафасида амалга оширилиши бежиз эмас, деб таъкидлади. Наврўз — инсонни улугловчи, перлок байрам. Байрамона муҳит расмий делегация вакиллари ва музокарачилар кун тартибидеги масалаларни атрофлича муҳожама қилишга кўмаклашади. Т.Қабдрахманов Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари икки мамлакат раҳбарларининг булажак учрашуви самарасини яқин келажақда қуришига умид билдирди.

О.ШАТУНОВСКИЙ «Жаҳон» АА

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг Фарғона вилоятида ижро этилиши юзасидан назорат-таҳлил фаолиятининг яқунлари муҳожама қилинди.

● Тошкентдаги «Дедеман силк роад Тошкент» меҳмонхонасида мамлакатимиз хайрия ташкилотларининг «Ўзбекистонда хайрия фаолияти: анъаналар, имкониятлар, истиқболлар» номли форуми ўтказилди. «Меҳр нури» хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда юздан ошқ нодавлат нотижорат ҳамда халқаро ташкилотлар ходимлари, ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди.

● Наврўз байрами тантаналари арафасида наманганлик, андижонлик бир гуруҳ журналистлар, шоирлар, адиблар фарғоналик ҳамкасблари хузурига ташриф буюришди. Водийлик ижодкорлар ўз вилоятларида мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан ўртоқлашдилар, фикр алмашдилар. Шунингдек, меҳмонлар ўзининг 2000 йиллигига қизгин тайёргарлик кўраётган Марғилон шаҳрида ҳам бўлишди.

● Ўтган икки кун давомида Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин кураш бўйича FILAнинг «Golden grand prix» туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнири баҳслари бўлиб ўтди.

● Урганчада «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» Республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ушбу танловда туман босқичларида голиб чиққан энг иқтидорли ёшлар иштирок этдилар.

● Жиззах вилоятидаги қариялар, фаришлар, ногиронларга хизмат кўрсатиш учун тиббий даргоҳлар, дам олиш масканларида фаолият кўрсатаётган ҳамширалар ўртасида «Энг яхши ҳамшира» кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танлов якуни бўйича Зомин туманидаги Мурувват уйи ҳамшираси Шаҳноза Абдуқодирова «Энг яхши ҳамшира» деб топилди.

● Оқолтин тумани машина трактор парки механизаторлари ёзги галла ўримида пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бунинг учун йил бошида 70 миллион сўм маблағ ажратилиб, зарур эҳтиёт қисмлар олиб келинди. Шу кунгача 17 та комбайн мавсумга созлаб қўйилди.

ЖАҲОНДА

● Чилида мамлакатнинг янги Президенти Мишель Бачелетнинг иннаугурация маросими бўлиб ўтди.

● Халқаро Гага трибунали томонидан ҳарбий жиноятлари учун жазога тортилиб Гагадаги қамоқхонада суд ҳукмини қутаётган Югославиянинг собиқ президенти 64 ёшли Слободан Милошевич ҳаётдан кўз юмди.

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ташриф билан Жазоирда бўлди. Мамлакат раҳбарияти билан ўтказилган музокараларда иқтисодий соҳада ҳамкорлик юзасидан сўз борди. Ташриф якунига кўра Россия Жазоирнинг собиқ советлар давридан қолган 4 миллиард 737 миллион долларлик қарздан воз кечди.

● Руминия ва Исроил ҳарбий ҳамкорлик юзасидан шартнома имзолашди. Унга кўра, Исроил ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари Руминия авиабазаларига қўниш ҳуқуқига эга бўлди. Бундан ташқари шартномада икки мамлакат ҳамкорлигида курул-яроғ ишлаб қикариш ва ўқув машқларини ўтказиш ҳам кўзда тутилди.

● Яқин Шарқдаги ядро муаммосини муҳожама қилаётган Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Строн Эрон масаласи ҳал қилингандан сўнг навбат Исроилга етишини билдирди, дея маълумот беради ИТАР-ТАСС.

● Таиланд қиролининг бош маслаҳатчиси уйи ёнида портлаш содир этилди. Натижада, икки нафар Британия фуқаролари жараҳат олди, дея хабар беради Хитойига «Синхуа» ахборот агентлиги.

● Доғистон ва Ставрополь ўлкасида парранда гриппининг олдини олиш мақсадида уй паррандаларини ёппасига вакцинация жараёнидан ўтказиш бошланди.

● Италиянинг Милан шаҳри марказида антиглобалистлар намойиш ўтказишди. Полиция билан тўқнашувлар чоғида 4 киши тан жараҳати олди.

● Германиянинг Бавария ери ҳудудларида қорларнинг эриши муносабати билан кучли сув тошқинлари юз берди.

Наврўзи олам яқин

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хуллас, икки кун давом этган умумхалқ хашарида Бектемир туманида истикомат қилувчи 6550 нафар аҳоли иштирок этди, 4 ярим гектар майдон ободонлаштирилди. 35 тонна маийш ва қурилиш чикиндилари олиб чиқиб кетилди. 2500 метрлик ариқлар тикланди. 1,05 мингта дарракт ниқолларига шакл берилиб, 50 та арча, 800 туп мевали дарракт кўчати, 900 туп гул кўчатлари экилди. Хашар ишларида 8 та техника воситалари жалб этилган бўлиб, улар имкон қадар бектемирликлар оғирини енгил қилишга хисса қўшдилар.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ

Баҳор фасли ҳар йили меҳнаткаш халқимизни эзгуликка, гўзалликка ошно этиб, яхшиликка, бирдамликка, меҳнатсеварликка ундайди. Айни кунда кексаю ёшнинг қалбида бир максатда йўғрилган эзгу ният, ғайрат-шижоат жўш урмоқда. У ҳам бўлса шаҳримизни боғу бўстонга, чаманзорга, жаннатмакон ўлкага айлантириш.

Шу максатда шаҳримизда 11-12 март кунлари ўтказилган умумхалқ хашарида бошқа туманлар қатори Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси ҳам фаол иштирок этди. — Икки кун давом этган умумхалқ хашарида туманининг жами 102.994 нафар аҳолиси ғайрат камарини маҳкам боғлаб муносиб хисса қўшдилар. — дейди Мирзо Улуғбек туман «Маҳалла» жағмармаси раисининг ўринбосари Мурод Турсунқоджаев. — Хашарда маҳаллалар ахли, олий ўқув юрталари ўқитувчи ва талабалари, коллеж, академик лицей ҳамда мактабларнинг ўқитувчи, ўқувчилари, шунингдек корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Хашарчилар ёрдамида тумандаги 324 гектар майдон ободонлаштирилди, 468 тонна чикинди чиқариб ташланди. 34.704 погон-метр ариқ ва зовурлар чикиндилардан тозаланди. Шунингдек, тумандаги мажуд 7 та қабристон ҳамда Пушкин ва Мирзо Улуғбек хайкали атрофлари ободонлаштирилди. Хашар давомида 4320 та даррактга шакл берилиб, оқланди. Шаҳримизни янада кўчаларзор боғу бўстонга айлантириш максатидида 1623 туп мевали дарракт кўчатлари ҳамда 586 та арча шу билан бирга 3.570 туп турли хилдаги анвоий гул кўчатлари ўтказилди. Мазкур хашар кунлари 39 та техника жалб қилинди. Булардан ташқари тумандаги 21 нафар кам таъминланган, яқса-ёғиз кишиларнинг уйлари хашар йўли билан таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 32 та болалар майдончаси тартибга келтирилди.

МИРОБОД ТУМАНИ

Заррин нурларини ҳар қачонгидан ҳам жозибали таратган офтоб тафти Миробод туманида эзгу ният билан хашарга отланган ёшу кексани янада тўқинлантириб юборди. Айниқса, кўккам қўрқини янада оширадиган, дилларимизга меҳробқабат уруғларини сочадиган Наврўзи оламини ўзгача руҳда, ҳамма жойни ободонлаштириб, оросталик ва покизаликка қутиб олиш анъанага айланган боисми мирободликлар ҳам умумхалқ хашари ҳақидаги давватга «лаббай» дея жавоб бериб, икки кун мобайнида ғайрат кўрсатишди.

Тумандаги 39 та маҳаллада хонадон ахлари ўз уйлари, ҳовли ва кўчаларининг тозаланиши таъминлабгина қолмай, турфа гул кўчатлари ва манзарали даррактлар ўтказиш, ниқоллар тагини юмшатиш ва парвариллашга алоҳида эътибор қаратишди. — Маҳалламиз асосан кўп қаватли турар жой биноларидан иборат, — дейди «Қатортол» маҳалласида хашарнинг уюшқоқликда ўтиши учун жонбозлик кўрсатаётган маҳалла оқсоқоли Георгий Газиев. — Турли миллат вақилларидан иборат маҳалладошларимиз эрталабдан ўзлари ҳамжihatликда хашарга отланишди. Барча ўз уйи атрофини ўзи обод қилиши, лозимлигини англаган ҳолда меҳнат қилди. Қўриб турганингиздек байрамни ҳам мана шундай ахилликда нишонлаймиз.

Шунингдек, тумандаги «Оқ ўй», «Ойбек», «Билмидон», Ш.Рашидов, «Олмасор» маҳаллаларида, Адросиб, Нукус, Миробод, Шевченко ва бошқа шоҳқўчаларда нафақат оросталик ишлари адо этилди, балки даррактларга шакл бериш, оқлаш, қўчат экиш юмушлари ҳам бажарилди.

Икки кунлик хашар давомида 82 минг нафар кишининг иштироки таъминланиб, 10,5 гектар майдонни ободонлаштириш ишлари жадал олим боририлгани алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, ёш йигит-қизлар азалий улуғимиз қадрини оширишда фаоллик кўрсатишганини таъкидлаш ўринли. Тупланган 120 тоннадан зиёд қурилиш ва маийш чикиндиларини олиб чиқиб ташлаш учун 80 та техника воситалари хизмат кўрсатди. Февраль ойида экилган 9 минг туп арча кўчатларининг парвариллашга эътибор қаратилиши баробарида яна 250 туп арча экилди, 3 минг туп мевали ва манзарали дарракт ниқоллари, 5 минг тупдан зиёд гуллар ҳам ўтказилди. Барча даррактлар оқланди, 12 мингта даррактга шакл берилиб, 23 минг погон метрдан зиёд ариқ ва лотоклар тозаланди. Тумандаги 3 та қабристонда ҳам пире бадавлат қариялар бошчилигида ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, ўтган руҳи шод этилди. Кўп қаватли уйлар атрофидаги 20 та болалар майдончалари таъмирланиб, кичкинтойларнинг яйраб ўйнашлари учун қулайликлар яратилди.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ

Туман аҳолиси, каттаю кичик умумхалқ хашарида ҳамжihatлик, бирдамлик билан иштирок этдилар. Кўчаю йўлчалар, корхона, ташкилот, ўқув юрталари худудлари супурилиб-сидирилиб, тоза-покиза ҳолга келтирилди. Ариқ, зовурлар тозаланди, чикиндилар транспорт воситалари ёрдамида олиб чиқиб ташланди.

Туманимизнинг 5-6 минг аҳолиси, 33 та маҳалла фаоллари фақат хашар кунлари эмас, қуёвнинг илик нурлари эса бошлаган кунларданок баҳорий юмушларни бошлаб юборганлар, — дейди биз билан суҳбатда туман «Маҳалла» жағмармаси раиси Холжўа Умаров. — Икки кун давомида режадаги кўпгина ишларни бажариб қўйдик. 4000 тупдан ортиқ дарракт экилиб, 4,5 минг дарракт оқланди, қурганлари олиб ташланди, шакл берилиб, 2.100 погон метр ариқ ва зовурлар тозаланиб 120 тоннага яқин чикиндилар 50 та транспорт ёрдамида олиб чиқиб ташланди. 80-90 квадрат метр жой асфальт қилинди, 100 дан ортиқ кўп қаватли уйларнинг ертўзалари тозаланиб, зарур бўлганлари таъмирдан чиқарилди. Айниқса, Янги Сергели, Спунтик, Қурилиш мавзелирида катта уюшқоқлик билан ўтказилган хашарда кам таъминланган оилалар, ногирон, кексаларнинг ҳол-аҳолидан хабар олиниб уй-жойларини таъмирлаш ишларига кўмак берилди.

рилди. «Баҳор» маҳалласи аҳолисининг қувончи эса чексиз, улар Наврўз байрамида фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган янги поликлиниканинг атрофларига дарракт ва гул кўчатларини экиб, ободонлаштириш юмушларига ўларнинг муносиб хиссаларини қўшдилар.

— Халқимизнинг жуда қадимий қадриятларидан бўлиши хашарлар одамларни яхшиликка, баҳамжихаб аяшга, бир-бирининг ҳолидан хабар олишга, битмаган ишларни ҳеч қийинчиликсиз амалга оширишга хисса қўшади, — дейди «Баҳор» маҳалласида истикомат қилувчи 70 ёшли онахон Бахтиниса ая Пуримова. — Мен ҳам кўчаларни, уйимиз атрофларини тозалаш, дарракт, гулларни экиш, оқлаш, тағларни юмшатиш каби ишларни бажаришда на-бираларимга бош бўдим. Улмас қадриятларимиз илоҳим ҳеч қачон унутилмасин, она юртимиз янада чирой очиб, гулу чечакларга буркансин.

СОБИР РАХИМОВ ТУМАНИ

Собир раҳимовликлар ҳам хашарда уюшқоқлик билан қатнашди. Хусусан

бўлган Наврўзи оламини, — дейди 80 ёшли қаршилаган фуқаро Садриддин ота Сайфидинов, юртимизнинг ҳар бир гўшасини оросталаб, саранжом-сарийша ҳолга келтириб, даррактлар, гулу чечаклар экиб қутиб олишимизда олам-олам маъно муҳасам. — Айниқса, мен билан ёнма-ён хайрли юмушга бел боғлаган набираларим покиза дил, эзгу мақсадлар ила умумхалқ хашарида иштирок этдилар. Бу, азали қадриятларимиз, ўлмас урф-одат ҳамда анъаналаримиз барҳаёт бардавтомлигидан ёрқин бир дарракт!

Хашар кунларида савобли, хайрли юмушларда айниқса, маҳаллаларда истикомат қилувчи нуруний отахонлар, оқсоқолу фаоллар бош бўлиб уюшқоқлик билан иш юритдилар. Жумладан, тумандаги корхона, ташкилот, муассаса, мактаб, ўрта махсус касб-хунол коллежлари, олий ўқув юрталари жамоалари умумхалқ хашарига хашарига муносиб хиссаларини қўшдилар.

Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилган 33,5 мингдан ортиқ хашарчилар 11,12-март кунлари 27,2 гектарга тенг майдонни супуриб-сидириб, оросталашиб, 5 минг погон метр, ариқ, зовур ҳамда ирригация

даррактлар оқланди, гул ва буталарга шакл берилиб, Хибоблар, Қўча, Заҳ қабристонлари ҳам хас-хашаклардан тозаланиб, ороста ҳолга келтирилди.

— Туманимиздаги 49 та маҳалла фаоллари ёрдамида 23.000 погон метр ариқ ва зовурлар тозаланиб, 8.600 туп даррактлар оқланди, уларга шакл берилиб, 1.600 туп мевали дарракт, 2.300 туп гул ва буталар экилди. Йилгилан 850 тонна чикинди 32 та автотранспорт воситаси ёрдамида олиб чиқиб ташланди, — дейди хашарчиларга бош бўлиб, даррактлар тагини юмшатаётган туман «Маҳалла» жағмармаси раиси Равадан Абидов. — Икки кун давомида мўлжалламиздаги ободонлаштириш ишларидан ташқари 6 та кўп қаватли спорт йўлакларни таъмирланди, 8 та болалар уйлари майдончалари тартибга келтирилди. «Қаҳар» ва «Самарқанд дарвоза» маҳаллаларида эса иш нихоятда қизган кечди. Чўчки тобора яқинлашиб келаятган умрбоқий Наврўз байрамида ушбу худудларда янги поликлиника қурилиб фойдаланишга топширилади. Бу албатта янги иш ўринлари яратилиши билан бирга аҳоли соғлиғи-салооматлигини тиклашда катта ёрдам бўлади, деб ўйлайман.

— Маҳалламиздаги пире-бадавлат, нуруний отахону онахонлар ҳам ушбу хайрли, эзгу ишлардан четда туришни ўзларига эл кўрмадилар, — дейди «Сарҳумдон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд ака Рашидов. — Қўриб турганингиздек қўллариди белкурар, кетмонлари кўтарганча гуллар тагини юмшатиш, ерни очиб юмушлари билан бандлар. Ёшларимизнинг эса ғайратлари ичларига синмайди, қуриган даррактларини олиб ташлаш, эшик, ромларни бўяш, қабристон ва хибобларни супуриш-сидиритиш, чикиндиларни олиб чиқиб ташлаш уларнинг зиммасида.

Буёқ қадриятлар гултоғи бўлган Наврўзи оламини бутун теварак-атрофини саранжом-сарийша қилиб, янги орзу, янги руҳ билан қутиб оламиз.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

Баҳор ярашиш ва янгилашиш, гўзаллик ва нафосат фасли бўлгани боис бу фаслда табиат, атроф-муҳит ўзгача чирой очади. Чўнчики, баҳорда шаҳримиз кифёси янада кўркамлашиб, гулларга бурканди. Пойтахтимизнинг бундай гўзал кифёса касб этишда ҳамшаҳарларимизнинг хиссаси катта. Дам олиш кунларида бўлиб ўтган умумхалқ хашарида ҳам уларнинг меҳнатлари эвазига шаҳримиз янада чирой очди.

Маълумки, Юнусобод пойтахтимизнинг энг катта туманларидан саналади. Бўлиб ўтган умумхалқ хашарида туманининг 6999 нафар аҳолиси иштирок этишди. Қўчалар, ариқ зовурлар тозаланиб, даррактлар оқланди. Ободонлаштириш ишларига катталарга мактаб, коллеж ўқувчилари, университет талабалари ёрдам беришди. Кўча бўйларига 168 туп арча, 4800 дарракт кўчатлари, ҳар бир ташкилот бинолари олдида 53246 та гул кўчатлари ўтказилди. Эрта тонгдан бошлашиб то кечгача давом этган 2 кунлик хашарнинг биринчи кунда 425 гектар, иккинчи кунда 273 гектар худуд ободонлаштирилди. 314 тонна маийш ва қурилиш чикиндилари чиқариб ташланди. Тумандаги 12 та зибратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди.

Хашар ишларининг биринчи кун 38536 дона дарракт кўчатлари оқланди ва 21464 та манзарали даррактларга шакл берилиб, Бу ишларга 58 та техника воситалари жалб қилинди.

— Туманимизда умумхалқ хашарига ёшу қари бирдек жалб қилинди, — дейди туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Дилором Тошқўжаева. — Хашарнинг ютуқли томони шундаки, барча ободонлаштириш ва тозалаш ишларига бир вақтинчи ўзида жалб қилинади ва қараб-сизки, тезда қутилган натижа юзага чиқади. Ўтказилган хашар ишлариди туманимиз аҳолиси бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилишди. Айниқса, ўқув юрталари ўқувчи ва талабаларининг катта қўч эканлиги шу кунларда яққол намоён бўлди.

Хашар давомида жами 30 та болалар майдончалари тартибга келтирилди. 22603 погон метр ариқ ва лотоклар, яъни ирригация тармоқлари тозаланди. Экилган дарракт кўчатлари оқланди, арча ва манзарали даррактларга шакл берилиб, —

ҲАМЗА ТУМАНИ

Ҳамзаликлар азалий одатимиз саналмиш хашар ўтказиш тадбирларини баҳор кириб келиши билан бошлаб юборишдан эди. Чўчки тумандаги ҳар бир уй, ҳар бир ҳовли, кўча ва маҳалланинг ободлиги, кўркамлиги, худуднинг покиза ва гулу яшил даррактларга бойлиги у ерда яшовчиларнинг фари эканлигини, бу пойтахтимиз чиройини, хусну тароватини таъминлашда муҳим хисса бўлишини улар дилдан ҳис этишмоқда.

— Наврўзи олам яқин, унинг дилларга шўхуқ солиб кириб келиши баҳорнинг илк нафасиданок қалбларга ободлик руҳини бахш этади, — дейди туман «Маҳалла» жағмармаси раиси Озод Шуларов. — Шу боис ҳам туманимиз маҳаллаларининг ахли икки кунлик умумхалқ хашарини ўзгача кўтаринкилик билан ўтказишди. Негаки, ҳар бир маҳалла кўркамлиги, туман ободлиги — юрт чиройига қўшилган хиссадир. Усон Носир, «Бирлашган», «Янгиобод», «Гулистон», Нодира сингари маҳаллаларимиз хашардан сўнг янада чирой очди, бу бордада ёшу қарининг хиссаси бирдек бўлди. Айниқса, бу йил туманимиздаги уй-жой мулкдорлари билан ҳамкорликда кўп қаватли уйлар атрофида уюштирилган хашарлар ҳам ўз самарасини берди. Хотин-қизларимиз, фарзандларимиз уларнинг кироши йўлакларни, ҳовилар тозалигига алоҳида эътибор қаратишди.

Албатта, туманда ўтказилган хашар тадбирида 55 мингдан зиёд киши иштирок этиб, корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчи ва педагоглари ўз вазифаларини сўқидилдан бажаришди.

«Хашар — элга ярашар» нақлига амал қилган хашарчиларнинг сая-ҳаракати самараси шунда қириндики, тумандаги 14,5 гектар майдон обод этилди, 180 тонна турли маийш ва қурилиш чикиндилари, ахлатлар олиб кетилди, 24 минг погон метр ариқ ва лотоклар тозаланди. Хашарчиларга 45 та техника воситалари маждорк бўлди.

Энг муҳими эса хашарда қатнашган ҳар бир ҳамзаликнинг дилида ўз уйини, маҳалласини, яшаб турган худудини яшатиш, обод этиш истаги жўш урганлигидир. Улар бу ишлари билан муस्ताқил мамлакат ободлигига хисса қўшаётганлигини дилдан англаган ҳолда фаоллик кўрсатишди. Хашардан тўшган маблағ эса «Маҳалла» хашар жағмармасига ўтказилиб, маҳаллалар ободлиги, у ерда яшовчилар фаровонлиги йўлида сарфланиши кўзда тутилган.

(Ўз муҳбирларимиз)

Ҳажимжон Солиқов,Алексей Попов олган суратлар

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ!

УМУМХАЛҚ ХАШАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ



«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ўтган икки кунлик хашар байрамга айлиб кетди.

Ўзбекистон Миллий университетига қарашли 2,3,5,8,9,12,14,18- сонли талабалар турар жойларида ҳамда 32-сонли талабалар поликлиникаси ён-атрофида ёшларнинг шодон қулгилари остида, кўтаринки руҳда тозалаш ва кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилади.

Шунингдек, Тошкент Давлат техника университетини талабалари ҳам университет тоғига 4 мингта яқин гул кўчатлари ва турли хил даррактлар ўтказишди. Ўқув муассасаси атрофлари тозаланиб, тартибга келтирилди.

Туманимизда умумхалқ хашарини кенг қўламада ўтказиш оdat тусига айланган, — дейди туман «Маҳалла» жағмармаси раиси Абдумавлон Раҳимов. — Унда 38 мингдан зиёд аҳоли иштирок этди. Хашар давомида 350 дона манзарали ва мевали даррактлар, 15 минг туп атиргул кўчатлари, 114 дона арча экилди. Шунингдек, туманимиздаги 36 та болалар спорт майдончалари кайта таъмирланди. Худуддаги 9 та қабристон ободонлаштирилди. Ушбу хашарда тумандаги 58 та маҳалла фуқаролари бир тан, бир жон бўлиб иштирок этдилар.

Даррақикат, элда «Хашар—элга ярашар» деган доно накл бор. Умумхалқ хашарлари инсонларни бирлаштирилади, шунинг оқибатида масканларимиз янада кўркам ва обод гўшаларга айланади. Бу эса, бизнинг азалий қадриятларимиз ва анъаналаримизнинг энг кўркмаси ҳисобланади.

УЧТЕПА ТУМАНИ

Ярашиш ва янгилашиш, оқибат ва покизалик рамзи ҳисобланмиш Наврўз айёми арафасида мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хашарининг уюштирилиши замирида ҳам мўқаддас анъаналарга содиқлик ва журмат муҳасам.

Учтепа туманида ҳам ўтган икки кун давомида умумхалқ хашари ўтказилди. Эрта тонгдан бошланган хашар одамларда ишчанлик ва хушчақчақлик кайфиятини уйғотди.

Хашарда тумандаги 32 минг нафар фуқаролар иштирок этдилар. Булар орасида мактаб ўқувчисидан тортиб, нафақадда қарилк гаштини сураётган отахону онахонларимиз ҳам бор.

Даррақикат, биз тозаланиш аввало ўзимиздан бошламоғимиз шарт. «Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганда, киши минг йил яшаган бўлар эди», деганди буюк мулафакхир ва табиб Абу Али ибн Сино. Учтепаликлар ҳам ободонлаштириш ва оросталаш ишларига ўзига хос хисса қўшишди. Хашар иштирокчилари кучи билан тумандаги 556 гектар ер майдонини тозаланиб, 188 тонна чикинди олиб чиқиб ташланди. Хашар давомида туман худудларида 212 та арча, 321 та туп мевали даррактлар, 1893 та гул кўчатлари ўтказилди ва 884 та даррактларга шакл берилиб, —

Шунингдек тумандаги 12 та болалар спорт майдончаларида ҳам ободончилик ва оросталик ишлари олиб борилади. Ушбу ишларни бажаришда 64 та техника воситалари жалб қилинди. Жумладан, 4 нафар муҳтож кишиларнинг хонадонлари хашар йўли билан таъмирланиб берилди. Тумандаги учта қабристонда ҳам тозалик ва кўкламзорлаштириш ишлари олиб борилади.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

Чилонзорликлар ҳам анъанага қура юртимиз бўйлаб ўтказилган умумхалқ хашарида фаол иштирок этишди. — Миллий қадриятларимиз гултоғи

тармоқлари тозаланди. 61 та техника воситалари ёрдамида 180 тоннадан ортиқ маийш чикинди ва ахлатлар шаҳар ташқарисига олиб, чиқиб кетилди.

Жумладан, чилонзорликлар ҳамжihatликда 5070 та даррактларга шакл бериб, оқланди, 550 дона арча, 1470 та мевали ҳамда манзарали даррактлар экишди. Туманимизда гўзал, боғу бўстонга айланатириши эзгу максат қилган фуқаролар 4370 та бир йиллик гул кўчатларини ҳам ўтказишди.

Бундан ташқари, 9 та болалар майдончалари тартибга келтирилди. Саховаттепа, мурувватли халқимизнинг одатига кўра тумандаги кам таъминланган ҳамда ёғиз қарияларнинг 8 та уй-жойлари таъмирлаб берилди. Мухими, ҳеч ким хайрли ишлардан четда қолмади.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

Хашар — халқимизнинг энг улғу ва хайрли анъаналаридан саналади. Кундан кунга обод бўлиб, гуллаб-яшнаётган шаҳримиз баҳор, Наврўз айёми арафасида яна ҳам чирой очиб, янаша яшармоқда. Ўлкамизнинг янада озода ва кўркам бўлишида умумхалқ хашарларининг аҳамияти беқис-ёсидир.

Шаҳримизда ўтказилган умумхалқ хашарида Яккасарой тумани аҳолиси ҳам жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилди. Жумладан, икки кунлик хашар давомида туманининг 38 минг аҳолиси иштирок этиб, 96 гектар майдон ободонлаштирилиб, 186 тонна маийш ва қурилиш чикиндилари чиқариб ташланди. 11.100 погон метр ариқ ва зовурлар чикиндилардан тозаланиб, 20 минг туп даррактга шакл бериб, оқланди. Қўчалар ва хибобларга фазз киритувчи 420 туп яшил арчалар, 4200 туп мевали ва манзарали дарракт кўчатлари ўтказилди.

Хашар кунлари бундай юмушларни бажариш учун жами 46 та техника воситалари жалб қилинди. Шунинг таъкидлаш кераки, умумхалқ хашарига хашарида айниқса, тумандаги Бобур, «Қушбеги» маҳаллалари ахли, шунингдек, «Яккасарой-1» маҳалласининг кексалари, мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этиб бошқаларга ибрат кўрсатишди.

— Хашар кунлари жамоамизнинг 80 нафар ходими бир ёқадан бош чиқариб, бу эзгу ва хайрли ишда муносиб хисса қўшилар, — дейди Яккасарой туманидаги 23-оилавий поликлиника бош шифоқори Раъно Аббосова. — Албатта, шаҳримиз озода ва кўркам бўлса, барчамизнинг баҳри-дилмиш очилади, касалликлар қамаяди. Табиати асраш, тоза саклаш, қўчат экиб, боғ яратиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Буни оилада фарзандларимизга ҳам тушунириб боришимиз зарур. Хашар кунлари жамоамиз ахли томонидан поликлиника худуди ободонлаштирилиб, чикиндилардан тозаланди. 35 туп дарракт оқланди, тувакларга гуллар ўтказилди ҳамда иш жойлари тартибга келтирилди.

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ

Шанба -яқшага кунлари туман худуди худди тўйхонгага айлиб кетгандек бўлди. Етти шидан етмиш ёшгача бўлган, ўз юрти, маҳалласи, азиз ватанини жондан севган, унинг ободлиги, фаровонлигига хисса қўшишни истаган каттаю кичик анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган хашарда фаол иштирок этдилар.

Катта йўллар, айниқса А.Навоий, Асадулла Хўжаев, Ф.Ғуллом, Абдулла Қодирий, Беруний шоҳқўчалари тозалаб, супурилиб,



ЖАҲОН ВА МАҲАЛЛИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

● Австралиянинг «Вумера» ҳарбий полиго-нида япон ва француз олимлари товущдан тез учувчи йўловчи самолётини синовдан ўтказишди. Янги самолёт машхур «Конкорд» самолётларидан ҳам тез учади ва Токио—Нью-Йорк ўртасидаги масофани олти соатда учиб ўтади. Француз авиаторлари япон технологиялари асосида таннархи анчагина арзон, йўловчилар учун қулай, шовқинсиз самолёт яратишга ҳаракат қилишмоқда.

● Япониялик меъмор Тойо Ито Британия Қироллиги архитекторлик институтининг Қиролча Викториа томонидан 1848 йил таъсис этилган олтин медалига сазовор бўлди. Бу қарорни ҳозирги қиролчи Елизавета II ҳам маъқуллади.Тойо Ито замонамизнинг машхур меъморларидан биридир. Унинг лойиҳаси асосида Сендай шаҳрида қурилган Медiateка биноси жамоатчилик эътиборини ўзига тортган. Ушбу бино шаффоф қўринишга эга бўлиб, ички деворларга эга эмас. Унда кутубхона, концерт зали, кинотеатр жойлашган. Ҳозирда меъмор Париж, Барселона ва Сингапурда қуриладиган замонавий бинолар лойиҳаси устида ишламоқда.

● Яқинда 60 ёшлигини нишонлаган Стив Фоссетт умрининг тенг ярмини Чикагодаги қимматли қоғозлар бозорига брокерлик меҳнати билан ўтказди. Зорур миқдордаги маблағни жамлаб олганидан сўнг, бойлигининг бир қисмини кўнгил истагига сарфлади. 2002 йилда ҳаво шарида 14 кун мобайнида ер юзини айлануб учгани учун унинг номи Гиннеснинг Рекордлар китобига ёзилди. Бу муваффақиятдан хурсанд бўлган ҳаваскор учувчи ўшанда бир ўринли самолётда сира тўхтамай ер юзини айлануб учиб орзусини дилига тугиб қўйганди. Стив Фоссетт бу орзусига эришиш учун ўзи ясаган самолётга ўтган йилнинг февралда Канаас штатидаги хусусий аэродромдан парвозга чиқди. Осмонда деярли уч кун учган собиқ брокер овқат ўрнига витаминлаштирилган коктейлга қуриланган

Маънавият

ИСТИҚБОЛДИНГИЗ ЁРҚИН БЎЛСИН

БАШАРИЯТ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ВА ИНСОНЛАРГА ИНЪОМ ЭТИЛГАН МЎЪЖИЗА, ТИРИКЛИК МАНБАЛАРИДАН БИРИ БУ НОН БЎЛСА, ИККИНЧИСИ КИТОБДИР, ДЕГАН ЭКАН ДОНИШМАНДЛАРДАН БИРИ. ДАРҲАҚИҚАТ, КИТОБ БИЛИМ ВА ОНГ САРЧАШМАСИДИР. У ТУФАЙЛИ ЁШЛАРИМИЗ МАЪНАВИЯТИ ЮКСАЛИБ, ТАФАККУРИ ЧАРХЛАНИБ БОРАВЕРАДИ.

Бугунги ёшлар эса, эртанги кунимизнинг нурли давомчиларидир. Уларга давлатимиз томонидан ҳар томонлама гамхўрлик қилинмоқда. Айниқса «Ёшлик» талабалар шахарчаси мисолида ёшларнинг юксак парвозини кўриш мумкин. Собир Раҳимов тумани ҳудудидagi ушбу маскан бугун бутунлай янгилик қиёфа кашф этди. Бундан гурурланмай, фах-иштихор туйғулари ниҳас қилмай илҳомимиз йўқ. Чунки, бу ҳудудда энг нуфузли Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Банк, Политехника, Тиббиёт, Маиший хизмат кўрсатиш коллежлари, Глиэр номли республика мусика академик лицейи ва юқорида номлари тилга олинган ўқув юртлирининг академик лицейлари фаолият кўрсатмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, шахарча ҳудудидagi 26 та ўқув муассасаларида 40 мингдан кўпроқ талаба ва ўқувчилар таълим олиб, ўз билимларини оширмоқдалар.

Кунни кеча «Ёшлик» талабалар шахарчасининг Маънавият ва маърифат маркази биноси олдига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Улуғимсан Ватаним» мавзусида китоб байрами ўтказилди. Тадбир «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан, талаба ёшлар орасидаги ёш қалам-кашларнинг ижодий фаолиятини янада мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уюшмаси, «Ёшлик» талабалар шахарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

— Биз, — дейди «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев тадбирни кириш сўзи билан очар экан, — олий ўқув юртлиари раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда, талаба ёшларни Ватанга муҳаббат, фидойилик руҳида тарбиялаш ва баркамол инсон бўлиб етиштириш учун уларга етарли шарт-шароитлар яратиш, бундан ташқари унум-

ли ва фойдали ўтказишлари учун тинмай изланяпмиз. Зеро, бугунги ёшлар эртанги кунимизнинг нурли давомчилари, интилувчан, меҳнатқаш, иқтидорли вакиллари ҳисобланади. Ушбу китоб байрами эса, уларга эзгулик йўлини ёритувчи ёрқин ва порлок машъал бўлиб хизмат қилади. Чунки, китоб мислиси мўъжизадир, у туфайли ҳаёт гўзал ва сермазмун. Шунинг баробарида унинг беминнат шуъласида меҳру-муҳаббат, муруват, саховат, садоқат ва жамики яхшиликлар буй кўрсатиб тураверади, ҳақолат, разолат, қабохат, макр ва хийла эса узоқлаштиради...

Кечада «Ёшлик» талабалар шахарчаси Маънавият ва маърифат маркази раҳбари О.Худойназаров, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уюшмаси директори З.Исажонов ҳам сўзга чиқиб, китоб дунёси, унинг бой маънавий-маърифий олами, сеҳрли ва сирли кашфиётлари ва ҳаёлотлари ҳақида сўзлаб, талабаларни яна бир бор китоб ўқишга чорладилар.

Шунингдек, кечада Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Умида Абдуазимова ўзларининг дилтортар шеърларини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилдилар.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон» НМИУ томонидан чиқарилган китоблар, газета-журналлар ва бошқа босма маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Жумладан мазкур нашриётда нашр этилаётган «Гулхан», «Гунча» журналлари, «Соғлом авлод», «Зеркало XXI», «Китоб



дунёси», «Огоҳ», «Хордик» каби ўттиздан ортик рангли газета ва журналлар талабаларга ва кеча иштирокчиларига тарқатилди. Куй, қўшиқ ва шеърятга уланб кетган маданий-маърифий байрам тадбири барчанинг қалбига илиқ хотиралар уйғотди ва китоб умр мазмуни деган доноларнинг фалсафий қарашларини яна бир бор исботлаб берди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: «Ёшлик» талабалар шахарчасида ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИШ ДОМО БЎЛЧУ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Эй ёрнлар, норасолар бирла қилманг ихтилот, Мардуми бемархаболар бирла қилманг ихтилот, Гумрахи берахнамолар бирла қилманг ихтилот, Йўл йитурган нобинолар бирла қилманг ихтилот.

Толиб ТОЛИБИЙ

ҲИКМАТ. Дўстсиз яшаш мумкинмас, аммо ҳамма ҳам дўстликка арзийвермайди.

Байт:

Дўст ҳазина-ю, дўстлик гавҳардир, Гавҳарни йўқотмоқ айб ила нуқсон!

ҲИКМАТ. Мингта дўст кам, битта душман кўпдир.

Байт:

Кўлингда бор экан токи имконинг, Бировнинг кўнглига бермагин озор.

Минглаб кишиларни дўст тутмоқ яхши,

Аммо битта душман ундан ҳам бисёр!

Кўп дўстнинг танида жони бир бўлар,

Жудо бўлишмайди ўлим келса ҳам.

Бирининг бошига тушса бир бало,

Жонини фидо қилар дўстига шул дам!

ҲИКМАТ. Бир хокимдан сўрадилар: «Қандай сафар энг узоқ сафар?»

Жавоб берди: «Садоқатли дўстни кидириш сафари!»

Байт:

Кидирган нарсани топиш мумкиндир, Бироқ содиқ дўстни топомқ муаммо!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Адувдин дўстлиқни тутма умид,

Ки, бўлмас жамъ ҳаргиз ўт билан сув.

ОРАЗИЙ

Яхши дўст атторга ўхшайди, у ўз атридан сизга бермас-да, сиз унинг атрлари ҳидидан баҳраманд бўлаверасиз. Ёмон улфат темирчига ўхшайди, унинг олови сизни куйдирмас-да, бироқ қора тутун сизга таъсир қилаверади. Шунинг учун ёмон улфатдан қочинг! Уларнинг дўстлиги илон захаридан ҳам ёмонроқдир. Бу маънони ҳақим Фирдавсий қуйидагича назмга келтирган:

Анбар сотувчининг олдиндан ўтсанг, Либосинг анбарнинг ҳидин олади.

Темирчи ёнидан ўтанинг замон,

Кора дуди сенга юкиб қолади.

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ

Ғами дунёга чирмашгон сари ҳолинг забун бўлғай,

Ҳарифи сода таълар кўп балога мубтало.

Мужрим ОБИД

Доноларнинг айтишича, уч гуруҳ кишилар билан дўстлик йўлини туттиш мақсада мувофиқдир.

Биринчиси, илм ахли бўлиб, улар ўз ҳаётларини илму одоб билан ўтказган ва ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тортган бўладилар.

Иккинчиси, бахтиёр, табиати саодатманд кишилар, улар ўз дўстларининг айбларини одамлардан яширадилар ва ҳеч қачон ошқор қилмайдилар. Хилватда дўстдан содир бўлган хатоларни юзларига айтиб берадилар ва улардан ҳеч бир насихатларини аймайдилар.

Учинчиси, беғараз ва бетамъ кишилар бўлиб, уларнинг дўстлиқлари ҳақиқий, бироқ фойда топиш эвазига қурилмаган бўлади.

Абулбаракот КОДИРИЙ

Ҳамроз дўст топилса-ю, жонлар фидосидур,

Орзу шулдурки камина кўнгул мудаосидур.

Хуш суҳбатки мажруҳ дилим давосидур,

Мақдами кўзимга айни шифо, хоки посидур.

БАЭНИЙ

ҲИКОЯТ. Бир ҳақимдан сўрадилар: «Дўстларингдан қайси бири сенга кўпроқ ёқди, қайси бири эса ақаллик даражасига етиб борди, ҳаммасидан қайсисига муҳаббатинг баландроқ?»

Ҳақим шундай жавоб берди: «Ўришиб қолсам, ярашадигани ва узр сўрасам, кеңирадигани!»

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Ҳар ким беайб дўст истаса, анга дўст топилмағай

Ва кимки дўстга ҳар хитоб учун итоб қилса, душман кўпайғай.

Сидқий ХОНДОЙЛИКИЙ

Букрот ҳақим айтади: Икки оқилнинг дўстлиги ақл тақозосича бўлиб, бў дўстлиқнинг умри боқий бўлади.

Аммо икки нодоннинг дўстлиги эса барқарор бўлмайди, чунки улар ўз манфаатлари юзасидан тездагина уришиб қоладилар. Икки жоҳил дўстлиги эса ҳеч қачон боқий бўлмайди, улар бирор нарса устида бир қарорга келолмайдилар, натижаси эса зарар билан тугайди.

Абулбаракот КОДИРИЙ

Узумдинму, фалақданму ва ё

икболи пастимдин, ситам тоқай?

УВАЙСИЙ

Доноларнинг айтишича, ҳар кимни ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстдан кўра азизроқ ва қимматлироқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн ўз отаси ҳақида қуйидагиларни айтган:

— Дадам бир қуни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма» деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фисқу-фужур ахли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса тамасида бўлишади, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишади, обрўйингни туширишади. Одамлар эса гапнинг тағига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Мен дадамдан иккинчи тоифа қандай бўлишини сўрадим. Дадам деди:

— Иккинчиси бахил ва ҳасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу-давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса, душманингга айландилар. Мен бунга ўз бошимдан кеңирманган. Пулим кўнглида дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманга айланганим, таъна тошини отишди, одам қаторига қўшмай қўйишди.

— Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Кимда бу хислат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айришади ва беғоналарни яқинлаштирадиди. Туртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздиради, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, лаванд ҳамда дилда меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ мумкин.

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ

Махдум ХАСАНИЙ

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИДИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ДАСТОҲЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБОШЛИГИНИ ОШИРИШДА, ҲАРИДОРЛАРНИНГ КЎПАЙИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

«Сувмаш» акциядорлик жамиятида ҳам бу борада амалга оширилган бир қатор ибратли ишлар корхона маҳсулотларига нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар сафи ортишига катта ҳисса бўлмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган насослар ва бошқа маҳсулотлар импорт ўринини босиши билан бюртмачилар талабига тўла жавоб беради. Бу, албатта тадбиркорларнинг изланишлари самараси бўлиб, ўтган йилда 3 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Ҳозирда Россиянинг «Энергомашкорпорация» ошқ турдаги акционерлик жамияти корхонанинг акциялар контроль пакетининг эгаси ҳисобланади. Россиялик инвестор корхонага 1 миллион 166 миң АҚШ доллари миқдоридagi янги дастгоҳ ва ускуналар сотиб олиш учун кредит ажратилишига ёрдам берди. Айни пайтда эса корхонанинг куйма цехи ана шундай янги дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланмоқда. Ушбу ускуналарнинг барчаси Россия давлатининг йирик ишлаб чиқариш фирмаларидан келтирилмоқда.

Корхона маҳсулотларининг асосий бюртмачилари Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўлиб, шунинг баробарида бозор талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган харидорғир маҳсулотлар Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия сингари Ҳамдўстлик давлатларига ҳам сотилмоқда.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, — дейди корхона бош муҳандиси Убайдулла Муҳамедов, — жуда кўп маҳсулотларимизни ва шу жумладан бутловчи қисмларни ўзимиз лойиҳалаб, синовдан ўтказамиз ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этамиз. Замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш баробарида кадрлар малакасини ошириш, ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилганлиги муваффақиятларимизни таъминлашда ниҳоятда аҳамиятлидир.

Бугунги кунда корхонада 300 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ибратлидир. Бир сменада меҳнат қилаётган корхона ахлини ишга вақтида олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш учун уч йўналиш бўйича «Сувмаш» автобуслари бепул хизмат кўрсатмоқда. Ишчилар учун тушлик пули берилади. Уларнинг фарзандлари учун эса ёзги таътил кунларида болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратилади.

Ушбу кўрсатилган рағбатлантиришларнинг барчаси корхона ривожига, изланишлар самарасида яққол акс этиб, муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

Муносабат

ЭРКИН РАҚОБАТ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

ХЕЧ ҚАЧОН БУЗИЛМАСЛИГИ КЕРАК

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА МАТЕБУТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ БОРАСИДА ТАЛАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ТАҲРИРИЯТЛАРНИНГ ЎЗИНИ МУСТАҚИЛ РАВИШДА МАБЛАГ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ЎТИШИ, МАТЕБУТДА ЦЕНЗУРАГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСЛИГИ БУ БОРАДАГИ УЛКАН ҚАДАМЛАРДАНДИР.

Албатта, ўз ўзини маблаг билан таъминлаш деганда на-шрларни маъно ва мазмун жиҳатидан бойитиб, обуна сонининг кўпайтирилиши ва реклама маблаглари жалб этилишини тушуна-миз. Лекин кейинги пайтда кўпгина таҳририятларга, айрим корхона ва ташкилотларга юбо-рилган қўйидаги хат эса матбуот нашрларининг эркин ривожлани-ши йўлидаги гўёки катта тўғ-ноққа ўхшайди.

Ўзбекистон Республикаси Дав-лат мулкни бошқариш қўмита-

си қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори ўринбосари С.Н.Рози-қов имзоси билан келган хатда айтилишича қимматли қоғозлар бозорида ягона нашр органини белгилаш бўйича Танлов комис-сиясининг 2005 йил 22 декабр-даги № 1-2005-01 қарори билан тақдирланган қимматли қоғозлар бозорида ягона нашр органи тан-ловни ўтказиш шартлари ва тар-тиби тўғрисидаги Низомга му-да қайси нашрлар иштирақ эт-

матли қоғозлар бозорида ягона нашр органини белгилаш бўйи-ча танлов ўтказилган.

Танлов якунлари бўйича тан-лов комиссияси қарорига муво-фиқ «Бизнес-вестник Востока» га-зетаси 2006 йилнинг 31 декаб-ригача қимматли қоғозлар бозо-рида ягона нашр органи деб эълон қилинган.

Шунга кўра, қимматли қоғоз-лар бозорининг иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги Низомнинг (2005 йил 6 декабр, рўйхат рақами 1127-2) 4 банди биринчи хатбо-расига асосан, эмитентлар то-монидан қўнғичликка мувофиқ ошқор этилиши лозим бўлган маълумотларни нашр қилиш, 2006 йилнинг 31 декабригача бўлган даврга ягона нашр органи қилиб белгиланган «Бизнес-вестник Во-стока» молиявий-иқтисодий ҳаф-талигида амалга оширилади...

Авваломбор шунинг айтиш ке-ракки, ўзи эълон беришни иста-ган органи (матбуот нашрини) белгилаш бўйича Танлов комис-сиясининг 2005 йил 22 декабр-даги № 1-2005-01 қарори билан тақдирланган қимматли қоғозлар бозорида ягона нашр органи тан-ловни ўтказиш шартлари ва тар-тиби тўғрисидаги Низомга му-да қайси нашрлар иштирақ эт-

СОЛИҚЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ — БУРЧИМИЗ

СОЛИҚЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ҲАР БИР ФУҚАРО БАЖАРИШИ ЗАРУР ВА МУҲИМ БУРДИР. КЎПЧИЛИК ФУҚАРОЛАР АСОСИЙ ИШ ЖОЙИДАН ОЛАЁТГАН ДАРОМАДИДАН ТЎЛАётган СОЛИҚЛАР МИҚДОРНИ ЯХШИ БИЛАДИ. АММО КЎШИМЧА ДАРОМАДГА ОИД СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ, МУҲИМИ, БУ ҲАҚДА СОЛИҚ ИДОРАСИГА ДЕКЛАРАЦИЯ ТОПИШИШ ЛОЗИМИЛИГИ БОРАСИДА ҲАММА ҲАМ ЕТАРЛИ МАЪЛУМОТГА ЭГА ЭМАС. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН ДАРОМАД СОЛИГИ ВА ЯҚКА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ ОЧИБЛЕК ҒАНИЕВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ШУ ҲАҚДА БЎЛДИ.

— Асосий иш жойидан та-шқари бошқа жойдаги хизма-ти эвазига ҳақ олаётган фуқа-роларимиз ушбу даромади ху-сусида ҳар йили 1 апрелгача доимий яшаш жойидаги солиқ органига декларация топши-риши лозим, — дейди О.Ға-ниева. — Бундай даромад ман-балари мамлакатимиз ҳудуди-да, шунингдек, хорижда бўли-ши мумкин. Уриндошлик йўли билан, фуқаролик-ҳуқуқий тус-даги шартномалар бўйича бир марталиқ ишлар ва хизмат-ларни бажариш, кўчмас мулк ва кўчар мулкни ижарага бе-риш орқали олинган ва шу каби бошқа даромадлар юза-сидан декларация топширила-ди.

Ушбу декларация асосида йиллик умумий даромад бўйи-ча ҳисоблаб чиқилган даро-мад солиги 1 июн гача бюджет-га тўланиши лозим. Агар

жами йиллик декларация асо-ҳисага даромад солигини энг юқори ставка бўйича тўла-ши бўлса, декларация топ-ширмаслиги мумкин.

Бунинг учун даромадини олиш вақтида шу корхонанинг ҳисоб-хонасига даромад солигини энг юқори ставка бўйича ушлаб қолишни сўраб ариза берилган тақдирда бу жараён амалга оширилган ҳисобланади.

— Қўшимча даромадлар-нинг назардан четда қоли-ши ёки уларни атайлаб яшириш ҳолатлари ҳам уч-раб турадими? — Солиқ органлари мулкчи-

лининг барча шаклидаги ҳар бир корхона ва ташкилотдан штатдаги ходимлар, ўриндош-лик билан ишловчилар тўғри-сида маълумотлар олиб, умум-лаштириб боради. Шу боис солиқчи назаридан четда қола-диган даромад бўлиши мум-кин эмас. Фақат ўз фуқаролик бурчига нисбатан масъулият-сиз муносабатда бўлиб, вақ-тида солиқ тўламаслик ёки бундан атайлаб бўйин товлаш ҳоллари учрайди.

— Бундай одамларга нис-батан қандай жазо чорала-ри белгиланган?

— Декларацияни ўз вақти-да тақдим этмаганлар Ўзбеки-стон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-дексининг 174-моддаси 3-қисми билан маъмурий жавоб-гарликка тортилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жари-ма тўлайди. Солиқ кодекси-нинг 135-моддасида солиқ тўловчилар томонидан солиқ-лар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур декларациялар, ҳисоб-кито-блар ва ҳисоботларни тақдим этмаганлик, даромадини яшир-ганлик, тўлов мuddатини ўтка-зиб юборганлик учун ҳам мо-лиявий жарималар кўзда ту-тилган.

— Даромад солиғига оид имтиёзлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-модда-си 2-қисмига асосан айрим тоифадаги жисмоний шахслар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганлар-ида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган со-лиқни тўлашдан қисман ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқ-доригача озод қилинишлари белгиланган. Ушбу моддада белгиланган имтиёз жисмоний шахсларнинг дивидендлар бўйича даромадларига ҳам таъбиқ этилади.

Ўзбекистон Президенти Ис-лоҳ Каримовнинг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқти-содий ҳаётини яхшироқ қилиш мақсадида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асо-сан эса дивиденд ҳолида олинган даромадлар 5 йил мuddатга солиқдан озод қилинган. Давлатимиз раҳба-рининг 2005 йил 15 апрелда-ги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлашти-риш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги қарорига мувофиқ жисмоний шахсларнинг тижо-рат банкларида дивиденд тарзида олинган даромадла-ри 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортилмайди.

Ўза муҳбири Норгул АБДУРАИМОВА сўхбатлашди.

АЛАНГА АТРОФИДАГИ ПАРВОЗ

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАННИНГ ХАЁТ БИЛАН ВИДОЛАШУВИ

(Охири. Боши ўтган сонда)

Парвона оёқлари, қанотлари қуяётганини кўриб қайғу-алам билан юм-юм йиглаб: «Эй мени ўз ўтида куйдираётган нотаниш дўстим. Мен қоронғу тундан қочиб, жамолнинг кўргани ва ширин сўзлар билан суҳбатлашгани учиб келган эдим. Бир қуришдаёқ мени мафтун этдинг. «Бахтинми тоддим, мени бахтиёр этди», деб севинч, шодлик билан сени қучиб ором олмакчи эдим. Лекин қаҳринг бунчалик қаттиқ эканлигини, ўзимни ажал қўлига топшираётганимни билмаган эканман», деди. Олов ёниб турган ўтини пайсатириб, ҳовурини туширди ва унинг маломатиға жавоб берди.

«Азизим Парвона, мени гулзордаги гул ёки сув бўйидаги ёввойи нашо, даладаги кўкнорини учратдим, шарбатидан татиб кўраман, деб ўзини ёниб турган ўтимга ташлаганлар фақат сен эмассан. Сенга ўхшаганларнинг ожиз кўзи нимага тушса, кўнгли ўшани тилаб қолади. Енгилтақлик билан вужудини, барча аъзоларини аста-секин гивёванд ўсимликларга ўргатиб, уларнинг озукасисиз яшолмайдиган бўлиб қоладилар. Хумор қилиб қолганда, барча нарсалардан воз кечиб: «Бир марта озгина татиб кўрсам армоним қолмас эди — деб бағни қилувчи турли хил ўсимликларни қараётган ҳолда қидириб юрадилар.

Бу кеча сен ҳам хотиржамликдан воз кечиб, хавф-хатарли йўллардан учиб аъзойи-баданнинг гивёванд шарбати билан роҳатлантирмоқ орсудида менинг бағримга ўзингни ташладинг», — деди.

ПАРВОНА: «Эй танамни куйдираётган нотаниш ака, Сизнинг исмингиз Оловутдин эканлигини билдим. Айб Сизда эмас, Гапларингизнинг барчаси тўғри. Ота-онам Сиз тўғрингизда: «Оловга учрасанг ўласан» — деган эдилар. Менга ўхшаган енгилтақликлар, ота-она, яқинлари насихатларига эътибор бермаганлар, бошлари қараётган бўлиб қолганда Гул билан Сизни фарқингизга бормай, бир қуришдаёқ Сизга махлиё бўлиб ўзларини Сизга топшириб қўйишар экан. Сиз эса куйдириб, ёндириб қулини кўкжа соварасиз. Парвона ушбу сўзларни айтган экан, кўзларидан томчи-томчи ёш оқарди.

ОЛОВУТДИН: Парвона, ўлимнинг олдида сенга айтмоқчи бўлган сўзларим аччиқдир, лекин фалокатингни кўриб, савол-жавобни эшитиб турганларга фойдалидир.

Сени тақдиринг тўғрисида гапирсақ, Сен чидамли бўлмай, арзир-арзимас ширага эга бўлган, нашо, қўқори каби сархуш қилувчи гулларни кўрганигда ақлдан озиб «Сохибжамолим, озукангиз ҳаётим мазмуни» деб ўзингни йўқотиб қўядиган бўлдинг. Оқибатда қалбингда бемаза, гуноҳ ишларга йўл очилиб қолди.

Парвонаюк, мени айблаб «қаҳрингиз қаттиқ экан, зодим, қотил экансиз» дединг. Мени қаҳрин қаттиқ бўлиши мумкин, лекин мен асло оқлим, қотил эмасман. Мени ҳузуримга, ўтимга, оташимга ўзларига ўзлари зулм қилганлар оёқлари билан юриб, қанотлари билан учиб келишади. Менга биринчи марта кўнмоқчи бўлганинда, сени ўзимга яқинлаштирмасдан «Бечора Парвона менинг табиатиمنى яши билмас керак, бўлмаса ўз ихтиёри билан ўзини ёниб турган оловга ташлаб хароб бўлмас эди. Йўлдан адашиб қолгандир», — деб огоҳлантириш учун бироз куйдириб, қаттиқ туртиб юборган эдим. Лекин гивёванд моддалар сени ўзимга шунчалик бағнилик даражасида ром қилиб қўйган экан-ки, гул билан оловнинг фарқиға бормай, «Шарбатидан баҳра олмагунча ҳеч қаерга учиб кетмайман», — деб охири фалокатга ўчрадинг».

ПАРВОНА: «Эй улғу зот, мени оташнинг ортиқча иссиғи билан қийнаманг, қанотларим қўймоқда, ортиқча чидалмайман. Энди парвоз қилиб учолмайман. Мабодо раҳмингиз келиб мени ўлимдан сақлаб қолгудек бўлсангиз ҳам мен рози бўлолмайман. Шу дамгача танамга сингиб кетган гивёвандларнинг хумори тунни тонгга улаб, суяқларимни зиркиратиб оғритиши, келажақда бошимга қутилиб бўлмайдиган азоб-қубатлар туширишларини, афсуски кеч бўлса ҳам энди англадим. Утинаман, Сиздан ўтингизни қучайтириб биратўла куйдириб, қулимни кўкжа совариб юборинг», деб нолий бошлади.

ОЛОВУТДИН: «Парвона, сен дунёдаги узок яшайдиган энг чиройли капалақлар зотидан экансан. Агар қаҳрингни билиб, хароб қилувчи йўлга кирмасдан, наслингда яраша ҳаёли, андишали, покиза ҳаёт кечирганинда бундай фожеали ахволга тушмас эдинг. Ўзингга муносиб бўлган мард ниқоҳлаб, ҳаётингда ҳамроҳ бўлур эди. «Ўтингизни қучайтириб, ёндириб. Оташнинг иссиғи билан қийнаманг, чидалмайман» деган сўзларни айтдинг. Бу сўзларни айтишга аланганиннг озгина куйдириши мажбур қилмоқда, бир неча дақиқадан сўнг қуйиб қул бўласан. Шу билан сенинг азобинг тугайди. Одамлар ҳам сенга ўхшаб, эс-хушини йўқотиб, босар-тусарини билмай, гивёвандликка берилиб, нобуд бўлсалар, уларни қабрда гўр азоби кутади.

Парвонаюк ҳаётдан умидини узиб қуяётган қанотларини қимирлата олмай ҳаракатсиз ётар экан. Оловутдинга қараб: «Қани энди ўша вақтда «шарбат» деб ўйлаганим аслида аста-секин ўлимга олиб келувчи захар-заққум эканлигини билганимда эди, бундай даҳшатли азоб-қубат билан ёшигана умримни бевақт қуруқ қилиб қоби сизнинг ўтингизда ёниб тугатмаган бўлур эдим» деди.

ОЛОВУТДИН: «Ха, Парвона, кеч бўлса ҳам бошинга тушган мусибат ақли-хушингни жойига келтирибди. Сен ва сенга ўхшаганлар гуллаб, яшнаб, ҳосилга кириш арафасида турган илдизи чўқур кўркам дарахтнинг бевақт сарғайиб ерга тушган баргига ўхшайсанлар. Фаррошлар бу барглари сугуриб озинг ўтимга ташлайдилар. Сен қўлимшигдан афсусланиб бекорга пушаймон бўлмоқдасан. «Сўнгги пушаймон ўзингга душман» дейдилар. Негаки айб ўзингда! Жамиятга ибрат бўлиш мақсадида ва қайта такрорланмаслиғи учун сенга сўнгги нутқ сўзларинг учун фурсат бераман. Парвонаюк ўлимни қучайтириб турган ёшигана хашаротлардан бири ёнидаги домишанд оқсоқолдан: «Отанон, ўтда ёнаётган жонот ким экан? — деган сўровига: «Ушбу даҳшатли ўлим манзарасидан ибрат олган бўлсанг — у менаман, агар ибрат олманг бўлсанг у сенсан» — деб жавоб берди.

Собир МУКИМОВ

«Радиодеталлар» дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар, жамловчи электрон аудио ва видео, ўлчов асбобларини харид қилади ва сотади. Т.68-93-93

«Оқшом» газеталари жамоаси «Тошкент оқшом» газетаси шарҳловчиси Акбар Йўлдошевга акаси **Атхамжон Йўлдошевнинг** вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади

Кўргазмалар

ВАҚТ РАНГЛАРИ

ТАБИАТ ЯШАРАР ВА ЯШНАР ЭКАН, ИНСОН РУҲИ ҲАМ ЯНГИЛАНАДИ. ЯНГИ-ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАР ВА КАШФИЁТЛАР САРИ ИНТИЛАДИ. ТАБИАТ КҮН ОША ГУЛЛАГА БУРКНАЁТГАН, ЯНГИ УМИДЛАРИМИЗ МАЙСАДЕК НИШ ОТАЁТГАН, ИСТИҚЛОЛИМИЗ ОҒТОБИ КҮНДАН КҮН ЧАРАҚЛАБ БИЗЛАРГА ИЛҲОМ ВА ШИЖОАТ БАҒИШЛАБ ТУРГАН ШУ ФАЙЗЛИ НАВБАҲОР ФАСЛИ БАЙРАМЛАР ВА ТҮРЛИ АРДОҚЛИ САНАЛАРГА БОЙ.

Жумладан, яқинда Республика Дизайин коллежиди таниқли мусаввир Жўра Асраннинг «Вақт ранглари» деб номланган шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Илк кўклам кунлари таваллуд айёми нишонланаётган буюк мутафаккир Жўра Ахрор Валийга бағишланган кўргазма «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ҳамоҳанглик» ижодий маркази ҳомийлигида ташкил этилди


Каримов, — ҳаёт манзаралари, инсоннинг руҳияти, табиатнинг бир қарашда инсон кўзи илғамидиган гўзал ва бетакрор нафаси уфуриб туради. Халқимизнинг буюк мероси, ўтмиши рассом асарларида, авлодларни ажир додлар руҳи билан боғлаб турувчи муқаддас ришта, буюк воқита сифатида намойиш бўлиб, оламни теран англашга ундайди.

Дарҳақиқат, Жўра Ахрор Валий, Бурҳониддин Марғиний, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал Бухорий каби улғу

ажодларимизнинг сиймоларини акс эттирган Жўра Асран замонавий қиёфаларни яратганда ҳам тарихий буюклик ҳиссини ўз асарларига сингдирган. Унинг асарлари турли кўргазмаларда намойиш этилиб муваффақият қозонган. Германия, Венгрия, Руминия, Болгария, Туркия ва Эрон давлатларида бўлиб ўтган қатор кўргазмаларда рассом ижодидаги янги мавзулар, йўналишлар кўзга ташланади. Кўргазма мусаввир ижодидаги янги кирралар акс этган асарлар мажмуаси бўлгани билан ҳам ўзига хосдир.

Ушбу кўргазма давомида Жўра Ахрор Валий таълимоти тўғрисида семинар ва мунозаралар ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Унда олимлар, зиёвilar, санъаткорлар ва талабалар иштирок этадилар.

Гулчехра САТТОР қизи СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар



ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРДАН МАЪЛУМКИ, СУВ ТОШҚИНИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАБИИЙ ВА ТЕХНОГЕН ТУСДА СОДИР БЎЛАДИГАН ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ҲАМ ИНСОНИАТГА КАТТА ЗАРАР КЕЛТИРАДИ.

Фармон ва ижро

ТАШКИЛИЙ-ТАЙЁРГАРЛИК ТАДБИРЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Техноген тусдаги фавқулодда вазиетлар қарийб ҳамма вақт тўсатдан содир бўлади. Лекин, инсониятнинг онгли фаолияти фавқулодда вазиетнинг олдини олишга, унинг аянчли оқибатларини, келтириладиган зарарларини иложи борича қамайтиришга ва аҳолини самарали муҳофазалаш чора-тадбирларини топишга имкон туғдиради. Давлатимиз томонидан ҳам бу борада қатор чора-тадбирлар белгилаб келинмоқда. Президентимизнинг жорий йилнинг 9 февралда эълон қилинган «Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ходисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиетлардан муҳофазат қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кенчиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳам тошқин ва сел зарарини қамайтириш, кўчкларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ва бу борада олиб борилаётган муҳофазат ишлари самарадорлигини ошириш каби қатор мақсадларга қаратилган. Ушбу Қарордан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиетлар бошқармаси томонидан кенг кўламли вазиетлар белгилаб олинди ва уларнинг ижросига изчиллик билан киришилди.

Маълумки, сув тошқини билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиетлардан аҳолини ва ҳар бир халқ хўжалиги объектиларини ҳимоя қилиш ишларини ташкил этиш учун уларнинг рўй бериш жойларини, сабабларини, турларини, хусусиятларини, иншоотларга кўрсатадиган зарбаларининг даражасини аниқлаш, баҳолаш ва уларга қарши ҳар хил чора-тадбирларни олдиндан режалаштириш айниска, мутасадди шахсларнинг асосий вазифаларидан ҳисоблангани керак.

Бу борада, Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ва ариқларда фавқулодда вазиетларнинг юзага келишига йўл қўймайлик ва оқиб ўтувчи сувларни фалокатсиз, хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш бўйича жорий йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида ташкилий ва тайёргарлик тадбирлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2005 йил 20 декабрдаги «2006 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида Тошкент шаҳри бўйича сув тошқини хавфининг олдини олишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, шаҳар ҳудудидан оқиб ўтадиган Чирчиқ дарёси, 105 та канал ва ариқларни ўз тасарруфига олган Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси, «Бўзсув» ирригация тизими бошқармаси, Чирчиқ-Охангарон ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология-мелиоратив экспедицияси, Тошкент шаҳар Бодонлаштириш бош бошқармасининг «Ихтисослаштирилган сугорил шохобчалари, қўқаламзорлаштириш, парвариш қилиш ва таъмирлаш Марказий бошқармаси» томонидан канал ва ариқлар киргоқларини мустаҳкамлаш, кўприклар тузи ва киргоқларини чиқиндилардан тозалаш бўйича режа асосида ишлар амалга оширилмоқда.

2006 йилнинг январь ойида Тошкент шаҳар Сув хўжалиги томонидан каналларнинг узунлиги 16 километр бўлган 8819 м³ қисмидан 18244 тонна чиқинди олиб тозаланди.

Шаҳар Фуқаро муҳофазаси хизматлари, туман ҳокимликлари томонидан оғир муҳандислик техника, юк ташуш автоуловлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари бу йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида оқиб ўтадиган сувларни хавф-хатарсиз ўтказиш учун тайёр ҳолга келтирилди.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан Фавқулодда вазиетларда ҳаракат қилиш учун 10 та жиҳозланган тез ёрдам автоуловларининг тайёр туриши, шовишнинг тиббий ёрдам бригадаларининг тўлиқ жиҳозланиб, шифохоналарда қўшимча жой захиралари тайёрлаб қўйилиши таъминланди.

Канал, коллектор, ариқ ва анҳорларни кесиб ўтган сув оқимига тўқсинлик қилаётган барча телефон кабеллари, газ, сув, иссиқлик ва канализация тизимининг барча қувурларини канал сатҳидан 1-1,5 метр балангликка кўтариш ишлари бажарилмоқда, авария-таъмирлаш гуруҳларининг кечаю-кундуз шай ҳолатда бўлишини таъминлаш ишлари назорат қилинмоқда.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиетлар бошқармаси «Қутқарув хизмати» билан каналларни тасарруф этувчи ташкилотлар, шартнома асосида шаҳар ҳудудига жойлашган қувур, кўприк ости ва қайнамаларни (джер) тозалаш ишлари ташкиллаштирилмоқда.

Тошкент шаҳри ҳудудига кириб келаётган сувларни назорат қилиш учун алоқа воситалари ва транспортлар билан таъминланган махсус постлар ташкил этилиб, улар томонидан умумлаштирилган ҳолдаги маълумотлар Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиетлар бошқармаси навбатчи-диспетчерлик хизматиға етказилмоқда.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиетлар бошқармаси томонидан ушбу хизматларнинг сув тошқини хавфини олиш бўйича амалга ошираётган ишлари натижасида шу кунга қадар фавқулодда вазиетларга йўл қўйилмади.

Фавқулодда вазиетларнинг моҳияти ва улардан огоҳлик борасидаги ишларга барча жаҳаларда яйғунлик ва тизимийлик тамойиллари асосида ёндашиш жуда муҳимдир.

Урол БОЗОРОВ,

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиетлар бошқармаси Аҳоли ва ҳудудларни муҳофазат қилиш бўлими катта инспектори, катта лейтенант.

Хуснияхон ТОҶИБОЕВА, бошқарма матбуот гуруҳи ходими

Спорт

ЧАҚҚОН ВА ЭПЧИЛЛАР ФОЛИБ БЎЛИШДИ

МАЪЛУМКИ, 2005 ЙИЛ 8 НОЯБРДА ЎТКАЗИЛГАН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДА ҚИЗ БОЛАЛАРНИ ОММАВИЙ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ, ҚИЗЛАРГА ХОС ЯНГИ СПОРТ СЕКЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА СПОРТ БИЛАН МУНТАЗАМ ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ УЧУН КЕРАКЛИ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БОРАСИДАГИ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА АЛОҲИДА СЎЗ БОРГАН ЭДИ.

Ана шу мақсадда шахримизда бугунги кунда қўлпал амалий ишлар йўлга қўйилганлигини Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ташаббуси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маркази, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ва «Қамолат» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ташкил

этилган спорт мусобақаларидан ҳам билсақ бўлади.

Спортнинг 7 та тури бўйича шахримизнинг ўрта таълим мактаблари қизлари ўртасида уюштирилган ушбу мусобақаларнинг саралаш босқичи А ва В гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилди. Бунда А гуруҳи мусобақаларида Миробод, Яққасарой, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Бектемир туманлари қизлари Учтепа туман болалар

спорт мажмуасида беллашдилар. 8, 10, 12, 13, 14, 15, 16, 17 ёшли қизлар баскетбол, волейбол, стол тенниси, қўл тўпи, шахмат-шашка, эстафета ўйинлари каби спортнинг бир неча турлари бўйича ўз маҳоратларини синиб кўришди. Қизгин кечган спорт мусобақаларида энг кучлилар аниқланиб, мусобақанинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

— Қуриб турганимиздек, қизлар ўртасида бўлиб ўтаётган ушбу мусобақаларда уларнинг чаққонлиги, эпчиллиги аққол кўзга ташланади турибди. Бугунги кунда хотин-қизларимиз нафақат жамият ва давлат бошқарувида, балки спортда ҳам қўлпал ютуқларга эришмоқда, — дейди «Соғлом авлод учун» жамғармаси Учтепа туман таянч маркази раҳбари Шарифа Алимова.

Озода РИХСИЕВА

ДУТОР — ЯПОН ИЖРОЧИЛАРИНИНГ ҚЎЛИДА

ТОШКЕНТДАГИ ИНСОН ЗАҲИРАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎЗБЕК-ЯПОН МАРКАЗИДА ДУТОР КУРСИ ТИНГЛОВЧИЛАРИНИНГ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Курслар Инсон захираларини ривожлантириш ўзбек-япон маркази томонидан кунчиқар юрт фуқаролари учун ўтган йилнинг август ойида ташкил этилган эди. Машғулотларни Тошкент Давлат консерваториясининг доценти Р.Хўжаева олиб боради.

Мазкур марказ Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасидаги ҳамкорлик битими асосида 2000 йилда ташкил этилган. Уни ташкил этишдан мақсад, бизнесни ривожлантириш учун кадрлар тайёрлаш, икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ва тақомиллаштиришга ўзини ҳиссасини қўша оладиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Марказда япон тили, компьютер саводхонлиги ўргатилади, ахборот хизматлари кўрсатилади.

Жорий йилда марказда 150 миң нафар киши ўқитилди. Маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ва япон фуқароларини Ўзбекистон аънавалари ва маданияти билан таништириш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилди.

«Туркистон-пресс»

Эркин кураш

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Биринчиликда Республика-миз вилоятларидан ташриф буюрган 150 нафардан ортиқ курашчилар голиблик учун гиламга чиқдилар. Уларнинг 50 нафарга яқини қизлардан иборат эди.

Мусобақанинг дастлабки куни 50, 60, 74, 96 килограммга вазиет вазиетларида, кейинги кун эса 55, 66, 84 ва 120 килограммга вазиет вазиетларида ўсмирлар ўртасида ҳамда қизлар ўртасида 43, 46, 50, 54, 58, 63, 68 ва 72 килограммга вазиет вазиетларида беллашувлар бўлиб ўтди. Сўнгги натижаларга кўра қуйидаги эркин курашчилар биринчилиكنинг фахрли биринчи поғонасидан жой олишди.

Ўсмирлар: Азиз Бахромов (Бухоро), Анвар Домлажонов (Тошкент), Мансур Фармонов (Тошкент вилояти), Абдурауф Бозорбоев (Тошкент вилояти), Рустамжон Рахимов (РОЗК), Азат Ешитаев (ҚҚР), Сохиб Махмудов (Самарқанд), Асрор Ишимов (РОЗК).

Қизлар: Лиля Шокирова (Тошкент), Юлдуз Собирова (РОЗК), Нуржамол Сатбаева (ҚҚР), Дилнур Ортиқбоева (ҚҚР), Саломат Кўчимова (Самарқанд), Матлуба Бурунова (Самарқанд), Лариса Сеилхонова (Тошкент), Айнура Жепакоева (ҚҚР).

Ғолибларга медаллар ва эс-далик совғалари топширилди.

Алексей ПОПОВ

Мунажжим башорати

ФАОЛИЯТНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ТУРИ ХАЙРЛИ

14 МАРТ, СЕШАНБА ХУДДИ ШУНДАЙ — МУНАЖЖИМЛАР ВА САЙРАЛАР ЖОЙЛАШУВИ БУГҮН ИНСОННИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ ХАЙРЛИ БЎЛИШINI ТАЪКИДЛАШАДИ.

Ички туйғуларингиз ва кўрган тушларингиз бугун сизни алдамайди. Иккиланаётган муаммоларингиз ечимини кейинроққа қолдириб туришга уриниб кўринг. Воқеа-ҳодисалар сизнинг фаол иштирокингиз ривожланишига йўл қўйиб бering. Бу ҳадиқларингиз сабабини аниқлашга ва шунингдек, ортиқ ташвишларни четлаб ўтишингизга ёрдам беради. Тижорат ишлари билан шугулланиш, харидлар қилиш ва қарзга пул олишдан ўзингизни тийинг. Босиқ-вазмин ва муруватли бўлинг, бақир-

чақирлар ва қўпол муносабатлардан ўзингизни эҳтиёт қилинг. Хайр-садақа қилинг, совға-саломлар тарқатинг, паррандаларни тўйдиринг. Ёрдам сўраб қилинган муурожаатлардан ҳимматингизни аяманг.

Мабодо, бугун сиз ёмғирда қолиб, ивиб кетсангиз ёки устингиздан сув қуйиб юборсангиз — булар сизга келадиган қўмак ва ҳаётингиздаги бахтли ўзгаришларга ишора бўлади. Соатингизни, майда-чуйда буюмларингизни йўқотиб қўйишингиз ҳамда олов билан боғлиқ барча аломатлар айрилиқлар ва нохушлиқлар тўғрисида огоҳлантиришдир. Агар кун бўйи сизни чанқоқлик, ҳижоқ қийнаса, бирон егуликдан захарлансангиз, булар хавф-хатарлардан хабардор қилиш ҳисобланади.

Бу кеча кўрган раъзий тушларингиз ҳам, реал тушлар ҳам башоратли бўлади. Осмон, тиник сувни кўрсангиз ёки тушида бирон-бир ширинликни истезмоқ қилсангиз хурсанд бўлаверинг — ишларингиз юришиб кетади ва ризқингиз қўлайди.

Қон билан боғлиқ хасталиқлар қучайиши мумкин. Қораталок органи безовта қилиши эҳтимоли ҳам бор. Оқ, ҳаворанг ва қумушранг кийимлар кийганингиз маъқул. Оч яшил, қора ва қизил ранглардан узокроқ бўлинг.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 506

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4147 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамаг»га — 133-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрий-матбос ақиддорлик компанияси бошқармаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6